

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (12.317)

Баҳоси эркин нарҳда

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар учун бир қатор имтиёз ва енгилликлар яратилган.**

## Иқтисодиёт

### ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Давлатимиз томонидан яратиб берилган бундай кенг имкониятлар соҳани янада ривожлантириш, рақобатбардош, нисбатан арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Буни Миробод туманидаги «Eko Elektron» масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни пайтда бу ерда газ, газ ва электр энергия билан ишлашга мўлжалланган йигирма турдаги газ плиталар, сизими 36,42 ва 50 литрли мини печлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, пишириш ва иситишга мўлжалланган олти хил ошона жиҳозлари тайёрланмоқда.

Зарур хом ашёнинг асосий қисми Россия, Хитой ва Туркиядан келтирилади. 45 фоизга яқини эса ўзимизда тайёрланади, — дейди корхонанинг масъул ходими Абдухамид Азимов. — Ҳозирги кунда маҳсулотимиз асосан ички бозорда сотилмоқда. Кейинги йилдан Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда мазкур корхонада олтинчи нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Жорий йилда улар эллик минг донга турли хилдаги газ плити ва мини печ ишлаб чиқарган бўлса, кейинги йилдан бу кўрсаткичи жамоа йилга 70-80 минг донга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.



— Иш бошлаганимизга қарийб бир ярим йил бўлди, — дейди корхона раҳбари Раҳматилла Қўчқоров. — Ҳозирда ишларимиз анча яхши, маҳсулотларимиз бозорда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Келгусида цехларимизга замонавий технологиялар ўрнатиб, газ плиталарнинг сенсорли турини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва салмоғини янада ошириб боришга

оид ишлар изчил давом этади. Булардан кўзда тутилган асосий мақсад маҳсулот экспортини йўлга қўйиш ва рақобатбардошлигини оширишдир. Шу йўл билан халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Абдуаллим САЛИМОВ**  
Козим Улмасов олган сурат

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Биз Ватаннинг мустақкам ҳимоячисимиз!» мавзуида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди, вилоят мусикали драма театрида ҳарбийлар ҳаётига оид сахна асарини намойиш қилинди.

● Навоий вилояти марказидан 130 километр узоқликда, Нурота тоғлари орасида қад ростлаган «Ажрим» қишлоқ врачлик пункти янги йилда аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади. ҚВПда тез тиббий хизматни ташкил этиш, малакали ташхис қўйиш ва даволаш учун барча шароитлар яратилган бўлиб, унга туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги «Дамас» автомашиналаридан бири ажратилди.

● Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида коммунал соҳа истиқболлига хизмат қилаётган янги «Aljueil» қўшма корхонасига асос солинди. Мазкур корхонада юқори калорияли кўмир брикетлари ишлаб чиқарилади. Ушбу технология иқтисодий жиҳатдан камхарж ва экологик тоза бўлиб, бундай кўмир брикетларини бемалол экспортга чиқариш мумкин.

● Жиззах шаҳридаги «Мир-Улуғбек-МХ» масъулияти чекланган жамиятида 1 миллиард 150 миллион сўмлик модернизация ишлари амалга оширилиб, пайпоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда корхонада 56 нафар хотин-қиз уч сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир.

## ЖАҲОНДА

● Буюк Британия синоптикларининг айтишларича, яқин тўрт йил давомида куррамиз иклими илгари тахмин қилинганидан кўра камроқ даражада ўзгаради. Яъни, Британия синоптикларининг сўнгги башоратларига кўра, Ер куррасининг ҳарорати ошиб боради, бироқ унинг ўзгариши илгари кўзда тутилганидан 22 фоиз секинроқ кечади. Яъни, глобал исси жараяни секинлашади.

● Шу кунларда Исроилда жуда ноқулай об-ҳаво кузатилмоқда. Сурункали ёмғирлар натижасида сув тошқинлари келиб чиқди, кучли шамол эса электр узатиш симларини узиб, дарахтларни илдири билан кўпориб ташлади. Жумладан, кучли ёмғир қўйиши натижасида Тель-Авив шаҳрида транспорт ҳаракати издан чиқди. Шаҳар ичида ва унга қирраверийда улкан тикилинчлар юзга келди. Айрим автомагистралларда эса кучли сув тошқинлари туфайли бир неча соатга транспорт воситаларининг ҳаракати умуман тўхтаб қолди.

● Туркиянинг Эгей денгизи қирғоқлари қисмида 5,7 магнитудали ер қимирлаши содир бўлди. Зилзила ўчоғи 9,9 километр чуқурликда бўлиб, ер силкинишлари Истанбул шаҳри ва унинг атрофида кузатилди. Маълумотларга кўра, зилзила натижасида қурбонлар ва жабрланганлар йўқ.

● Бугун ер курраси учун энг хавфли ҳисобланган Апофис астероиди заминимиздан 14,46 миллион километр узоқликда учиб ўтди.

● «Fulton Innovations» компанияси eCoupled технологиясини тақдим этди. Мазкур янги технология Qi стандарти бўйича симсиз қувватни ўтказиб берган икита мобил қурилмага бир-бири билан электр қувватини алмашиш имконини беради. Бунда қувватни ўтказиш учун ҳеч қандай сим керак эмас, битта аппарат иккинчисининг устига қўйилса бас.

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

### ҲАРБИЙ КАСБНИ ТАНЛАГАН ЎҒЛОНЛАРГА ҲАР ҚАНЧА ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Отаназар АЛИМОВ, Иккинчи жаҳон уруш фаҳрийси:

— Юрт тинчлиги, Ватан озодлиги тушунчаларининг кадри нечоғли улғу экани биз, уруш иштирокчиларига жуда яхши маълум. Шукрки, мамлакатимизда тинчлик ва оқошталлик ҳукм сурмоқда, халқимиз осуда ва фаровон ҳаёт кечираётди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримовнинг эл-юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган буюк меҳнатлари ва ғамхўрлиги самарасидир.

Мамлакатимиз хавфсизлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир Куролли Кучлар барпо этилди. Ҳозир аскарларимизга барчанинг ҳаваси келади. Улар учун яратилган шароит, берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳеч қайси даврда бўлмаган.

Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринки руҳда нишонлаш аънабага айланди. Байрам муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ташкил қилинаётгани қувонарлиқдир. Бу, албатта, ўсиб келаётган ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Дилшод МАРИПОВ, майор:

— Ватанин севиш, унга чин дилдан хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчидир. Биз, ҳарбийларга юрт тинчлиги, Ватанимиз озодлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўриқлашдек муқад-

**Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу байрам арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари ҳамюртларимиз билан суҳбатлашди.**

дас вазифа ишониб топширилган. Мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳарбий хизматнинг нуфузини ва ёшларимизнинг армиямизга қизиқишини оширди. Ҳарбий хизматга иродали, жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқараши кенг ёшлар саралаб олинмоқда.

Ватан ҳимоячилари кунини нафақат биз, ҳарбийларнинг, балки бутун халқимизнинг улғу байрамидир.

**Зулайхо ОМОНОВА, ўқитувчи:**

— Турмуш ўртоғим — ҳарбий. Ҳарбий оилага келин бўлиш, ҳарбийнинг рафикаси бўлиш — катта масъулият. Мен турмуш ўртоғимни машаққатли меҳнат фаолиятида ҳар жихатдан қўллаб-қувватлайман, қувончли дамларида бирдек қувонаман. Ўғлим ҳали ёш бўлса-да, отаси сингарини ҳарбий бўлишини истайман. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Мустақкам оила йили», деб эълон қилинган 2012 йилда ҳарбий оилаларга ҳам эътибор янада кучайтирилди. Биз ҳам янги уй-жойга эга

бўлдик, фарзандларимиз учун яқин имконият ва имтиёзлар яратилди. Бундан беҳад хурсандимиз.

**Улуғбек СУЛАЙМОНОВ, захирадаги аскар:**

— Ҳар бир йигит Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан ўташга интилади. Мен ҳам ўтган йили сафарбарлик қаҳри ва резерви хизматини ўтаб қайтдим. Армия ёшларини шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилдиган ҳаёт мактаби эканига амин бўлдим.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юртимизда ҳарбий бурчини адо этиш учун яратилган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Ҳарбий сабоқларни кунт билан ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Бу мамлакатимиз тинчлиги ва оқошталлигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган изчил ислохотлар бераётган юксак самаралардандир.

**Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА**  
ёзиб олди

## Спорт

### ЎЗБЕКИСТОН — «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҲИБИ

**Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқро миқёсдаги яна бир эътирофи**

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан 2012 йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон футбол федерацияси «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди.

Ушбу нуфузли мукофотнинг Ўзбекистонга топширилиши Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг халқро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

Таъкидламоқ лозимки, бундай улкан ютуққа ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Мазкур халқаро эътироф замирида узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат, изчил ва заҳматли меҳнат мужассам.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мазкур йўналишда изчил давом эттирилаётган кенг кўламли ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

(Давоми 4-бетда)

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели тумани ўқув спорт

техника клубида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида

ички ишлар идораларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларига давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Киночилар уйда божхона фаолиятига бағишланган «Матонат» бадиий фильмининг тақдироти ўтказилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган навбатдаги тўққизинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.**

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу Қонун 2012 йилнинг 21 июнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Қонун 2012 йилнинг 11 сентябрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида»ги ҳамда «Жиноят иши юришти чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунларига аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада мутасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида меҳнат ҳақи миқдори Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бирор корхона, муассаса ва ташкилотда бир ойлик тўлиқ ишланган вақт меъёри ва бажарилган меҳнат вазибалари учун ҳодимнинг меҳнат ҳақи миқдори ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкасидан кам бўлмаслигидан далолат беради.

Қонунчилик киритилган ушбу янгилик меҳнатга ҳақ тўлашнинг фақат амалдаги энг кам иш ҳақи миқдори қараб амалга ошириладиган, бунда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган ойлик меҳнат ҳақи миқдорини эътиборга олмайдиган иш берувчиларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларининг икки хил талқин қилинишини истисно этади.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

## ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳам қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 36-банд билан тўлдирilib, унга кўра, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилди. Киритилган мазкур қўшимча орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлари янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш имконияти вужудга келди. Бунинг асосида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди.

Иккинчидан, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 217-моддасидаги «аҳоли

номидан оладиган» деган сўзлардан кейин «шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинadиган» деган сўзлар билан тўлдирилди. Бу эса ўз навбатида, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот доираси кенгайтирилганлигидан далолат беради.

Учинчидан, мазкур Кодекснинг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш оборотларига солиқ солиш» деб номланган 217-моддаси пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш айланмаси 20 фоизлик ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилиши муносабати билан чиқариб ташланди.

Тўртинчидан, ушбу Кодекснинг 324-моддаси 2-бандига фуқароларга имтиёзлар беришни назарда тутувчи нормалар ҳам киритилиб, унга кўра, ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек яқин қариндошларидан ҳада шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўлашдан озод қилиндилар.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, мазкур Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги**  
**институтининг етакчи илмий ходими**

## Қарор ва ижро

### КИМЁВИЙ МОДДАЛАРНИ БОШҚАРИШГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтимизда кимёвий моддаларни бошқариш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТнинг ўқув ва илмий-тадқиқот институти (ЮНИТАР) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институти, саноат корхоналари мутахассислари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётига соф ривожланиш механизмларини, тежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ортимиз саноати ва қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан кенг фойдаланилади. Бу жараёнда соҳага оид қонун ҳужжатларига тўла амал қилиш, кимёвий моддаларни ишлаб

чиқариш, ташиш, зарарсизлантиришда атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш доимий эътиборда.

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли ташкилотлар, саноат корхоналари билан ҳамкорликда кимёвий моддаларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бу борадаги халқаро механизмларни жорий этишга йўналтирилган қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Улар доирасида кимёвий моддаларни оқилона бошқариш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Идораларо ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ахборот алмашиш ҳамда мониторинг тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф этилган аниқ йўналишлар шулар жумласидандир.

Семинарда кимёвий моддаларни бошқариш ва экологик хавфсизликни таъминлашга оид вазифалар, бу борадаги ишларни ташкил этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш масалалари муҳокама этилди.

### Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожлантирилаётгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бир-лашмиши тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинган соҳага оид ҳуқуқий кафолатлари янада мустаҳкамлаш имконини берди. Айни пайтда ушбу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти самардорлигини янада ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг биринчи ўринбосари Е.Каньязов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кенг қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилот-

ларнинг ўз мажбуриятларини тўла бажаришига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда бу борадаги меъёрилар ўз ифодасини топган. Жумладан, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунда нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланишига оид ахборот билан танилиш эркинлигини таъминлаш, рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар тақдим этиши шартлиги белгиланган. Бу каби меъёриларга риоя этмаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам йўқ эмас.

Адлия вазирлиги томонидан ушбу йўналишда учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Давра суҳбатида иштирок этган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари амалдаги қонунларнинг моҳияти, соҳа ҳодимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атроф-муҳитга жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)



## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

**Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни эзгу мақсадга хизмат қилдиришга бўлган эҳтиёж ортмоқда. Айниқса, ушбу йўналишда мутахассисларни тайёрлашга алоҳида аҳамият берилди.**

Тошкент шаҳрида И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолият юритаётганлигини мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир. Филиал мутахассисларининг айтишига кўра, 1930 йили Москвада ташкил этилган мазкур университетнинг олтинчи факультетида 8 мингдан зиёд талаба тахсил олади. Аниқ фанлардан ташқари ҳуқуқшунослик ва ижтимоий фанларга ихтисослашган факультетлари мавжуд. Эндиликда университет 40 дан

ортиқ мамлакатда ўз филиалларига эга. Йил ичи нефть ва газ саноати корхоналари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мана бир неча йилдирки, «Ўзбекнефтегаз» корхонаси билан яқин алоқа ҳам қўрилган натижаларни бера бошлади. Фойдали қазилмаларни қидириш ва қазиб олиш мутахассисларини тайёрлаш бўйича иккита факультетга 100 нафардан талаба қабул қилинган.

Анвар ВАЛИЕВ

## МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари, Савдо ва саноат палатаси, Жиззах ва Наманган вилоят ҳокимликлари ҳамда «Узинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази вакиллари билан иборат делегация Голландия ва Германия давлатларида бўлди.**

Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш бўйича ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибасини тизимли тарзда ўрганиб бориш ва олинган тажриба асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур таширдан асосий мақсад давлат бошқаруви ва давлат хизмати, маҳаллий бошқарув ва ҳудудий ривожланиш соҳаларида ислохотлар олиб боришда Европа давлатларининг илғор тажрибасини ва ҳуқуқий-норматив базасини ўрганиш, давлат тузилмалари учун кадрларни тайёрлашга ихтисослашган ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ташир чоғида олинган тажриба асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Концепциясига мувофиқ, мамлакатимиз қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ҳокимликларнинг давлат хизматларини кўрсатиш, «электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланиш, аҳолини ахборот билан таъминлаш ҳамда ҳудудий ва маҳаллий ривожлантириш соҳаларидаги фаолиятида давлат бошқарувининг самарали шакллари ва усулларини татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ташриф дастурига мувофиқ, Голландия Иқтисодиёт вазирлиги, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари, Амстердам ва Берлин шаҳар бошқармалари ҳамда Савдо-саноат палаталарида учрашувлар бўлиб ўтди. Шу билан бир қаторда, Европанинг давлат бошқаруви ва ихтисослашган нуфузли институтларининг етакчи мутахассислари билан ўзаро фикр алмашилди.

Ўтказилган тадбирлар доирасида делегация аъзолари давлат ва маҳаллий бошқарувни ислох қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, давлат хизмати тизими, шу жумладан, давлат ҳодимларини тайёрлаш ва ишга қабул қилиш тартиби, давлат бюджетини марказ ва ҳудуд миқёсида режалаштириш ва бошқариш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш масалалари бўйича хориж тажрибаси билан яқиндан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур танишув сафари БМТ Тараққиёт Дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркистон-пресс»

## ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган «Парламентаризм билимдони» онлайн танловини ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайтида биринчи мартаба ёшлар ўртасида Интернет тармоғида танлов ўтказилди. Тадбир Қонунчилик палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмағида ташкил этилди.

Танлов шу йил март ойида эълон қилиниб 1 декабрга қадар давом этди. Мазкур танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида конституциявий ғоялар, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, уларга мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳақида тўлиқ ва реал ахборот олишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ушбу танловда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 3000 дан зиёд 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш йигит-қизлар иштирок этди.

«Парламентаризм билимдони» танлови 40 босқичдан иборат бўлиб, саволлар нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, балки қонун ижодкорлиги, парламент фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қамраб олди.

Балларни ҳисоблаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилганлиги сабабли саралаш босқичи ошқоралик тамойиллари асосида амалга оширилди.

Танловда 1-ўринни Р. Саидов, 2-ўринни Р. Кабулов, 3-ўринни К.Тютюниклар эгаллашди. Ғолибларга ноутбук, уяли алоқа телефони, шунингдек, 100 дан ортиқ балл тўплаган иштирокчиларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Халқ таълими вазирлигининг рағбатлантирувчи мукофотлари ҳамда дипломлар топширилди.

Тақдимот маросими сўнггида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишиб, Ўзбекистон Миллий академик драма театрида спектакль томоша қилишди.

## МОБИЛЬ АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

**Ўзбекистондаги мобил алоқа операторлари 2013 йилда 74,79 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштиришни режалаштирган.**

2013 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ «Билайн» савдо белгиси ва Unitel МЧЖ GSM тармоқларини ривожлантиришга 48 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф-қилинди.

Ucell савдо белгиси ва Coscom МЧЖ 2013 йилда GSM стандартидаги тармоқни техник ҳамда технологик жиҳатдан ривожлантиришга 20 миллион АҚШ долларини йўналтирди.

«Ўзбектелеком» АК эса Ўзбекистон ҳудудларида CDMA-450 мобил тармоғини EVD0 технологиясини жорий этган ҳолда ривожлантиришга 6,79 миллион АҚШ доллар миқдоридаги маблағни йўналтиришни режалаштирган.

Таъкидлаш жоизки, UzDaily маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати 2013 йилда 3,017 миллиард АҚШ доллари миқдордаги хориж инвестицияларини ўзлаштиришни режалаштирмоқда.

«Туркистон-пресс»

## ҚАМРОВ ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

**Ахборотлашган жамият барпо этиш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунга мувофиқ равишда ахборот технологияларининг қамров доираси кенгайиб бормоқда.**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисидаги қарор айнан шу мақсадда қабул қилинди.

Компаниянинг Тошкент филиалида эътиборга лойиқ қатор лойиҳалар амалга оширилди. — Жорий йилнинг ўзида Хитойнинг «ЗТЕ» компаниясида ишлаб чиқарилган ускуналарни ўрнатиш ҳам режалаштирилди, — дейди компания етакчи мутахассиси Зоир Тўраев. — Мазкур лойиҳа бўйича қўшимча телефон қудуқлари тайёрланиб, оптик толали алоқа кабелилари ётқизилди.

Бундай ускуналар ихчам бўлиб, улар орқали жаҳон андозларига мос хизматлар кўрсатиш мумкин. Филиал тармоғида ўрнатилган ускуналарнинг умумий сифими 12500 портга етказилди. Аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатила бошланди.

Айни вақтда мазкур технология асосида Олмалик ва Ангренда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётди.

Акбар АЛИЕВ

**Хитойлик таниқли журналист Вей Син «Дунфан Цзаобао» ва «Метро экспресс» газеталари саҳифаларида «Шарқ жавоҳири» номини олган Самарқанд тўғрисидаги туркум мақолалар эълон қилди. Уларда муаллиф «Мега-инфо-тур» лойиҳаси доирасида Самарқанд бўйлаб амалга оширган ижодий сафари чоғида орттирган таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашган.**

Чиройли суратлар билан безатилган мазкур мақолаларда Вей Син бу афсонавий шаҳар юксалиш ва таназзул даврларини бошдан кечириб, бир неча маротаба четдан келган босқинчилар томонидан вайрон қилинганга қарамай, замонлар ўтиши билан тикланиб, янада чирой очиб борганини таъкидлайди. Муаллифнинг ёзишича, Форс салтанати, Хитой ва Хиндистонга борадиган савдо йўллари айнан Самарқандда кесишган.

Хитойлик газетхонларга шаҳарнинг тарихи ҳақидаги маълумотларни тақдим этар экан, Вей Син ўрта асрларда Самарқанд буюк Амир Темури салтанатининг пойтахти бўлганини қайд этади. Мақолаларда Темури ҳукмронлиги даврида Самарқанд Шарқнинг энг маҳабатли шаҳарларидан бири ва Ислам маданиятининг марказига айлангани алоҳида таъкидланади. «Беҳис меъморчилик услубларининг қўлланилиши туфайли Амир Темури даврида бунёд этилган иншоотлар аниқ ҳисоб-китоблар, мураккаб ва ўзгарувчан нақш ва безаклари билан алоҳида ажралиб туради», деб ёзади Вей Син.

Муаллиф Самарқанднинг кўна ўтмиш руҳи сақланиб қолган ажиб макон эканлиги хусусида қалам тебратар экан, у ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олганини ўқувчиларга маълум қилади. «Бу заминда

авлодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган қадим меъморчилик, илм-фан ва адабиёт, миллий хунармандчилик намуналари ҳозирги пайтда бутун дунёга донг таратгандир», деб ёзади у.

## ҚАДИМ ВА НАВҚИРОН САМАРҚАНД ХИТОЙЛИК ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

Қаламқаш Самарқанд бағрида жойлашган тарихий обидаларни Шарқ меъморчилигининг чўққиси дея таърифлайди. Улар ҳар йили дунёнинг турли нуқталаридан келган минглаб сайёҳларни ўзига мафтун этаётгани, кўна шаҳарнинг Регистон майдони, Бибиноним масжиди ва Амир Темури мақбараси сингари диққатга сазовор жойларининг таърифлари «Дунфан Цзаобао» ва «Метро экспресс» ўқувчиларини беихтиёр қадим Самарқанд бўйлаб хаёлан саёҳат қилишга ва унинг бир-биридан гўзал кўчалари бўйлаб сайр этишга чорлайди.

«Дунёнинг энг гўзал майдонларидан бири бўлмиш Регистон мажмуаси Марказий Осиёнинг «жавоҳири» саналади — майдоннинг уч тарафида осмонга буй қўзиб турган


Улғубек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари ўрта аср меъморчилигининг маҳабатли намуналаридир», дея ўз фикрини давом эттиради хитойлик журналист.

Сўнгра Вей Син газетхонларни Бибиноним масжиди билан таништирар экан, «мазкур маҳабатли иншоот нафис ва бежирим нақшлар билан безатилгани, ҳовли ўртасида мрамор тошдан ясалган улкан лавҳ ўрнатилгани ва унинг атрофи нафис хошиялар, мукарнаслар, ўсимликсимон нақш ва ёзувлар билан безатилганини атрофлича таърифлайди. «Жоме масжид пештоқи маҳабатли бўлиб, ўртасида улкан равоқ ўрнатилган. Пештоқнинг ички томонида ёнлари ўймакор мрамор тошлар билан безатилган кичик равоқ мавжуд бўлиб, унинг устидаги лавҳада масжид бунёд этилган вақт ҳамда Амир Темурининг шажараси битилгандир», деб ёзади у.

Ўзининг мукамал шакли ва маҳабатли кўриниши билан кишини хайратга соладиган Амир Темури мақбараси таассуротларига тўхталар экан, муаллиф мақбара саккиз бурчакли гўмбаз асосида барпо этилгани ва бу ҳозирги замон мутахассисларини ҳам лол қолдиришини алоҳида қайд этган. Хитойлик журналистнинг ёзишича, мақбаранинг ички томони тилла суви югуртирилган нақшлар билан безатилган бўлиб, безакларда Қуръони Карим оятлари исмлими, ҳандасавий нақшлар ҳамда арабий ҳаттотлик санъати услубида битилган.

Муаллиф мустақиллик йиллари мобайнида Самарқандда кенг қўламли ободонлаштириш, таъмирлаш, қурилиш ҳамда зиёратчилар учун қўлайликлар яратиш ишлари олиб борилгани ва бунинг натижасида шаҳарда кўна тарих ва замонавий давр руҳи уйғунлашиб кетганини алоҳида таъкидлайди.

«Жаҳон» АА  
Шанхай



## ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамиятга эга

Бугунги кунда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳақида кўп гапириляпти. Бу тўғри. Негаки, биз ҳуқуқий демократик давлат қураёмиз. Ана шундай шароитда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтирмай туриб олган юриб бўлмайди. Бунинг учун эса ҳуқуқий тарбияга катта эътибор бериш керак.

Ёшларимиз қонунлар моҳиятини билса, ўз ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини тўлиқ англаб етати. Униб-ўсиб келаётган авлод ҳуқуқий онгини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири. Зеро, қонунни билган ҳамда унга амал қилганлар ҳаётда адашмайди. Шу маънода баркамол авлод тарбиясида ҳуқуқий маданият ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида ёшларга оид кўплаб қонунлар қабул қилинди. Ана шу қонунларнинг мазмун-моҳияти ўсиб келаётган авлодга гамхўрлик қилиши, таълим-тарбия бе-

**Инсон эрки ва ҳуқуқи олий қадрият саналаётган мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу сиёсат замирида юрт фарзандларига, миллат келажагига ишонч мужассам.**

риш, соғлом қилиб улғайтиришга қаратилган. Дарвоқе, ҳуқуқий демократик жамиятнинг мезони ҳам ҳар ким қонун билан ҳимоялана олиши ва лозим ҳолатда қонунни ҳимоя қила билиши билан ўлчанади.

Мустақил Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ўзини шу жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисоблайди ва бу аслида жуда ҳам тўғридир. Адолатли демократик жамиятнинг барпо этишнинг асосий шартини қонунга итоат қилиб янаш. Модомики, шундай экан, бизда энг асосий қонун,

бошқа жамики қонунларнинг қалити — бу Ўзбекистон Конституциясидир. Асосий Қонунни билиш — ҳар бир фуқаронинг маънавий ҳаёти эҳтиёжи бўлиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари учун юртимизда барча шароитлар яратилган. Уларнинг ана шу имкониятлардан фойдаланиб иқтидорларини бутун дунёга намойиш қилишлариغا ишонамиз.

Саида ИСМАИЛОВА,  
Тошкент шаҳар 1-сонли никоҳ  
уйи директори

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси сайлаш мuddати тугаган, танловдан ўтгунга қадар лавозимга тайинланган педагог ходимларнинг лавозимларини қайта эгаллаш учун, шунингдек бўш (вакант) кафедралар мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимларини жамлаш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

№	Кафедралар
<b>Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси</b>	
1.	- кафедра мудири — 1 нафар;
2.	- доцент — 1 нафар;
3.	- катта ўқитувчи — 1 нафар;
4.	- ўқитувчи — 1 нафар.
<b>Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси</b>	
5.	- профессор — 1 нафар;
<b>Молия ва кредит кафедраси</b>	
6.	- кафедра мудири — 1 нафар;
7.	- катта ўқитувчи — 1 нафар;
8.	- ўқитувчи — 1 нафар.
<b>Иқтисодий фанлар кафедраси</b>	
9.	- профессор — 1 нафар;
10.	- катта ўқитувчи — 1 нафар;
11.	- ўқитувчи — 1 нафар.
<b>Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси</b>	
12.	- кафедра мудири — 1 нафар;
13.	- доцент — 1 нафар.
<b>Юридик фанлар кафедраси</b>	
14.	- кафедра мудири — 1 нафар;
15.	- доцент — 1 нафар;
16.	- катта ўқитувчи — 1 нафар.
<b>Тиллар кафедраси</b>	
17.	- кафедра мудири — 1 нафар;
18.	- катта ўқитувчи — 1 нафар;
19.	- ўқитувчи — 1 нафар.
<b>Информацион технологиялар кафедраси</b>	
20.	- доцент — 1 нафар;
21.	- катта ўқитувчи — 1 нафар.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:**

- Ректор номига ариза;
- сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 1 дона 4x5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёпиштирилган ҳолда);
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига;
- фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

**Эълон чиққан кундан бошлаб ҳужжатлар бир ой давомида қабул қилинади. Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй. Солиқ академияси биноси, 210-хонада қабул қилинади.**  
Телефон: 217-44-87.

Ҳамза туман тадбиркор субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2008 йил 20 августдаги 001958-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, Ҳамза тумани, Ширмонбўлоқ кўчаси, 80-уй манзилида жойлашган «RUSTAM SAVDO KAPITAL» МЧЖ (СТИР 300916837) тугатилди.  
Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддат давомида 613-37-61 телефони орқали қабул қилинади.

Юнусобод тумани тадбиркор субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2009 йил 14 сентябрда Reestr №005038-10 рақам билан рўйхатга олинган Юнусобод тумани 10-мавзее, 5-уй, 40-хонадонда жойлашган «Хожиакбар Mirzo Servis» хусусий корхонаси тугатилди. ИНН: 301316539. Даъволар 2 ой давомида қабул қилинади. Тел: 673-67-00.

### «REPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллий банк»нинг 2012 йил 27 декабрдаги АА-8551/08-сонли хатига асосан, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Турон м.ф.й., Маърифат кўчасида сақланаётган, 2 дона «Дамас» русумли, давлат рақами 01-156GCA ва 01-157GCA бўлган автотранспорт воситалари, Т-40 АМ трактор ва ПТС тиркамалари битта лот сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 14 433 439 сўм.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртма-номаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қилдирилган ва зақалат тўғрисидаги келишувга асосан 15 фоз миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлайдилар: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Танлов ўтказиш қоридлари, танлов шартлари ва танлов тақлифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчисига томонидан белгиланади.

Танлов тақлифларини қабул қилиш мuddати 2013 йил 7 февраль Тошкент вақти билан соат 18:00да тўхтатилади (тақлифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2013 йилнинг 18, 25 февраль ва 4 март кунлари соат 15:00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов тақлифларини қабул қилиш уч кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади).

Танлов тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосига ўтказиш 2013 йил 11 февраль Тошкент вақти билан соат 15:00да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлис залли (4-қават)да амалга оширилади. Тақлифларни очиб вақтида танлов ўрнатилган тартибда катнашаётган иштирокчиларнинг ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдода энг мақбул тақлиф киритган талабгор танлов голиби деб топилди.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: Танлов голиби мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоз миқдордаги маблагни олдиндан, қолган қисми эса сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасида белгиланган мuddатларда амалга оширилади. Мулк бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўйиматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоз ҳисобланади.

Танлов савдоси ва ундан сўнг келиб чиқishi мумкин бўлган барча ноаниқлик ва тушуноқчиликлар ҳамда низоли масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллий банк»га мурожаат қилинади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириб билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100175, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.mmm.uz.

### «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига такроран Чилонзор тумани СИБ томонидан, 30.09.2010 йилдаги 10-1001/16285-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзее, 11-А-уй манзилида сақланаётган «Паз-32054» русумли д/р М84-83 бўлган 2007 йилда и/ч автобус қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 30 805 353 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 29 январь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 25 январь кунини соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчисига билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдосига ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Кўп тармоқли иқтисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 49-уйда жойлашган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига қарашли қўйидаги автотранспорт воситалари ким ошди савдосига қўйилмоқда:

1.2005 й. и/ч. дав.рақ. 01 062 LCA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси бош.нархи- 25 580 000 сўм.

2.1996 й. и/ч. дав.рақ. 10 AP 993 бўлган «Газ-31029» русумли автотранспорт воситаси бош.нархи-879 000 сўм.

3.1997 й. и/ч. дав.рақ. 10 AD 210 бўлган «Мидибус М-29» русумли автотранспорт воситаси бош.нархи-21 755 000 сўм. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 8, 14, 21 февраль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт. Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларини қабул қилиш ким ошди савдосига ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

### «КО'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан 16.04.2012 йилдаги № 10-1208/3431-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 40 «А»-уйда жойлашган умумий майдони 59,0 кв.м. иборат бўлган нотураб бино қўйилмоқда. Бошланғич нархи — 52 520 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 8 февраль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 8 февраль кунини соат 11:00 да такроран аукцион савдоси 2013 йилнинг 1 март кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «КО'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ нинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдосига ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

### Саноат корхонаси «Корхона бош энергетикнинг биринчи ўринбосари» лавозимига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Даввогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчи даража бўлмағлиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилиши истиқболлари мавжуд.

Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА соловчилари ишга қабул қилинади.

Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97.

### ОЛМАЗОР ПОЛИТЕХНИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ўқувчилар буфети фаолиятини ташкил қилиш ва фойдаланиш бўйича

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**  
Тендер учун аризалар 2013 йилнинг 19 январига қабул қилинади.  
Қўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат қилинг. 100179. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарчино кўчаси, 1-уй.  
Телефонлар: +99871 2468370.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси томонидан 2005 йил 21 июнда Зокиров Лазизжон Райимжоновиغا номига берилган №9160 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан 2006 йил 13 июлда Абдухалил Гулямов Алишерович номига берилган ХН-023-06 рўйхат рақами, В№262582 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ



— Бу болажонларга янги йил совғасидир, — дейди спектакль режиссёри Жаҳонгир Турсунбоев биз билан суҳбатда. — Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, мусиқа ва санъат борасидаги тафаккурларини янада бойитиш, уларнинг театрга бўлган меҳрини шакллантириш, эзгулик ва ёвузлик борасидаги тушунчаларни улар онгида ҳосил қилишда бу каби спектаклларнинг аҳамияти муҳимдир. Чунки болалар дунёси жуда қизиқувчан, улар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам бирдек тез илғайдилар, умид қила-

саҳналаштирилган «Қорбобо кидирилмоқда» деб номланган спектакль нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналарига ҳам манзур бўлди. — Мен қизим Мадина билан биргаликда бу спектаклни мароқ билан томоша қилдим, — дейди Аҳрор Обидов. — Саҳнада юз бераётган воқеаларни томоша қилар эканман ўзимни эртақлар оламига тушиб қолгандай ҳис қилдим. Болажонларнинг ҳаяжонларини айтмайсизми. Бундай томошалар болалар хотирасида жудаям ёрқин из қолдиради. Уларни ёшлигидан эзгулик ва яхшиликка

### Янги йил шукуҳи ЭЗГУЛИК ТАРАННУМ ЭТИЛАДИ

**Ёшлар ижод саройида 1 январдан бошлаб «Овоза» болалар театр студияси томонидан «Қорбобо кидирилмоқда» деб номланган спектакль рус ва ўзбек тилларида уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болажонлар учун намойиш қилинмоқда.**

мизки, бу саҳна асарлари барча болажонларга манзур бўлди.

Дарҳақиқат, «Овоза» болалар театр студияси томонидан

чорлайди. Қизим Мадинанинг рассомликка иштиёқи бор. Ушбу спектакль лавҳаларини чизишини қайта-қайта таъкидлади.

Спектакль янги йил киришига икки соат қолганида Қорбобо ва Қорқизнинг йўлини ажратишга ёрдамлашган алваста, ялмоғиз ва қароқчиларнинг ёвуз қилмишлари ҳақидаги саҳна кўринишлари билан бошланади. Спектаклдаги асосий роль ва рақсларнинг барчасини «Овоза» болалар театр студияси болалари ижро этганлар.

Қизиқарли саргузаштларга бой мазкур спектакль болажонларнинг қишки таътил кунларини янада мазмунли ва мароқли ўтишига ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: спектаклдан лавҳа  
Қозим Ўлмасов олган сурат**

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси 2013 йилни маданий катта тарихий аҳамиятга молик бўлган янги тадбирлар билан бошлади. Хусусан, Шанхайдаги «Хунцяо» замонавий санъат музейида 4 январь кунини очилган «Ўзбекистонлик машҳур мусаввирларнинг замонавий асарлари» кўргазмаси шундай диққатга сазовор тадбирлардан бири бўлди.**

Мазкур кўргазма Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 21 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикасининг Шанхайдаги бош ваколатхонаси, Шанхай Хорижий давлатлар билан ҳамдўстлик ассоциацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма 2012 йилнинг ноябрь ойида Пекин шаҳрида намойиш этилиб, кўп сонли хитойлик санъат ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлган эди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг моҳир рассомларидан Акмал Нур, Марат Содиков, Гафур Кодиров, Файзулла Ахмадалиев, Хуршид Зиёхонов, Мухторхон Исахоновларнинг 70 дан ортиқ асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ушбу санъат намуналари Ўзбекистоннинг минглаб йиллар ва асрларга татигулик бой маданий тарихи, иқлими ва табиат гўзалликлари, бетакрор миллий анъаналари, халқимизнинг бугунги фаровон турмуши акс эттирилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, жаҳон ҳамжамияти диққатини ўзига жалб этаётди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Шанхайдаги илмий тадқиқот марказлари, тур-

ли давлатлар ваколатхоналари ҳамда ОАВ ходимларидан иборат 300 дан ортиқ нуфузли идора ва ташкилот вакиллари иштирок этди. Шанхай Хорижий давлатлар

билан ҳамдўстлик ассоциацияси вице-президенти Ван Сяошу кўргазманинг очилишига бағишланган маърузасида шундай деди:

— Мазкур кўргазма Шанхай жамоатчилигини ўзбек замонавий тасвирий санъати нодир намуналари билан таништириш билан биргаликда Буюк Ипак йўлида жойлашган, тарихий узилмас илдишлар орқали боғланган халқларимиз давлатлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ван Сяошу ўзбек мўйқалам усталарининг ранг-тасвир соҳасидаги турли услублар, европада ва осийча йўналишлар элементлари уйғунлигида яратилган асарларини кўриб, чуқур таассуротларга ошно бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

Шанхай «Хунцяо» замонавий санъат музейида иш бошлаган «Ўзбекистонлик машҳур мусаввирларнинг замонавий асарлари» кўргазмаси 12 январгача давом этади.

**Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркистон-пресс»**

### ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ АСАРЛАРИ КЎРGAZMАСИ ШАНХАЙДА

### ЎЗБЕКИСТОН — «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҶИБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишловлар жараёнида болалар футболга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди етишмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия захиралари коллежлари, футбол мактаблари ва академиялари фаолиятининг замон талабларига мос йўлга қўйилгани бунда муҳим омил бўлаётди. Болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида футболни оммалаштириш ва ривожлантириш ўзбек футболнинг халқаро майдондаги обрў ва эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилаётди.

2012 йилги спорт мавсуми ўзбек футболни учун ютуқларга бой бўлди. 16 ёшгача бўлган ўсмирларимиз Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритди. 20 ёшгача бўлган терма жамоамиз ҳам қўлга биринчилигида кучли тўртлиқдан жой олиб, навбатдаги жаҳон чемпионатида тўп сурадиغان бўлди. Ўзбекистон ампултантлар терма жамоаси эса кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг финал қисмига йўланма олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

Футбол дунёдаги энг оммавий спорт турларидан. Бугунги кунда жаҳон миқёсида минглаб футбол клублари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг миллионлаб мухлисига эга. Президентимиз Ислам Каримов «Бунёдкор» стадиони билан танишувчи чоғида спортдаги халоллик, томошабинлар маданияти хусусида алоҳида тўхталиб, халқимизнинг гўзал фазилатлари мана шундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намойиш бўлиши ке-

рак, ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари кўтарган масала бугунги кунда 209 мамлакат футбол федерацияларини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА олдида ҳам долзарб бўлиб турибди. ФИФА томонидан 1987 йилда таъсис этилган «Fair Play» соврини футболда мардлик ва халоллик намуналарини кўрсатиб келаётган жамоаларга, мухлислар ўртасида ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга хисса қўшган мутахассисларга берилди.

«Fair Play» очколари беллашувлари халол ўтказиш, чиroyли ўйин, рақиб жамоа футболчилари ва ҳакамларга нисбатан ҳурмат, мухлислар маданияти, футболчиларнинг ўйинда ва майдон ташқарисида ўзини тутиши, қизил ва сариқ карточалар сони каби қатор тамойиллар бўйича тўпланади. 2012 йилда халқаро учрашувларда қатнашган барча терма жамоаларимиз ва профессионал футбол клубларимиз халол ўйин, ўзбек футбол ишқибозлари эса юксак мухлислик маданияти намунасини кўрсатди.

Бу йил ушбу совринга Ўзбекистон ва Гватемала футбол федерациялари ҳамда Туркиянинг «Эскишехирспор» жамоаси номзод қилиб кўрсатилган эди. Мамлакатимиз терма жамоалари ва профессионал футбол клубларининг халқаро майдонларда халол ўйин тамойиллари бўйича энг кўп — 498,84 очко жамғаргани инобатга олинган ҳолда ушбу нуфузли соврин Ўзбекистон футбол федерациясига топширилди.

Бу — мамлакатимизда ёш авлоднинг аждодларимизга хос мардлик ва халоллик, бағрикенглик, дўстлик, ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган изчил ишларнинг амалдаги яна бир юксак самараси, халқаро миқёсдаги кенг эътирофидир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
Ўза шарҳловчиси**

### Спорт янгиликлари

#### ЎН ЕТТИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

**Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ энг кучли профессионал шахмат усталарининг 2013 йил бўйича янги рейтинг жадвали эълон қилди.**

ўрин тутди. Чунки ҳамюртимиз Тошкентдаги турнирда 11 учрашувда бирор марта мағлубиятга учрамаган ягона шах-

бахсларни дуранг билан якунлади. Вахोलанки, хитойлик шахматчи Тошкентдаги халқаро Гран-при турнирининг ғолибларидан бири бўлган эди.

Дарвоқе, рейтинг рўйхатида яна бир шахматчимиз, халқаро гроссмейстер, Осиё чемпиони Антон Филиппов ҳам қайд этилган. Аввалги рейтингда 101-поғонада бўлган Антон бу сафар 95-ўринга лойиқ кўрилди.

Жумладан, 21-28 январь кунлари миллий терма жамоамиз Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишди. Бундан мақсад футболчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигини яна бир қарра назардан ўтказиш. Шунингдек, машғулотлар доирасида миллий терма жамоамиз БАА маҳаллий клублари билан учта назорат-ўртоклик учрашувида куч сынашишди.

Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари ҳам ўқув-йиғин машғулотларида январь ойининг сўнгги кунларидан киришишлари назарда тутилмоқда.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Халқаро дзюдо федерацияси томонидан ўтган 2012 йилнинг энг яхши дзюдочилари рўйхати эълон қилинди.**

#### ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДЗЮДОЧИСИ

Унга кўра ёзги Олимпиада ўйинларининг икки қарра бронза медали совриндори, жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Ришод Собиров 60 килограммли дзюдочилар орасида жаҳоннинг энг кучли спортчиси деб эътироф этилди.

Шунингдек, Лондонда 2012 йилда уюштирилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг дзюдо йўналишида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Рамзиддин Саидов ва Наврўз Жўрақобилев рейтинг жадвалида ўз ваэнлари тоифасида еттинчи ҳамда тўққизинчи ўринларни эгаллашди.

**Жорий йил футбол бўйича Ўзбекистон миллий, ёшлар, ўсмирлар терма жамоалари учун ўзига хос синов йили сифатида тарихда қолса ажаб эмас.**

#### ТЕРМА ЖАМОАМИЗ БААГА БОРАДИ

Чунки Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатида саралаш турнири тўртинчи босқичида жаҳон чемпионати йўланмаси учун курашни давом эттиради. Шунингдек, жорий йилдан Осиё чемпионати саралаш турнири бахсларига ҳам старт берилди. Ўзбекистон ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари эса жаҳон

чемпионатида яна бир қарра омадларини синаб кўришди. Хуллас, мамлакатимиз терма жамоаларини жиддий учрашувлар кўтиб турибди.

Шу боис ҳам Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш турнирига тайёргарлиқни бошлашга тайёр турибди.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563


Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 12967 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.00



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар бир бола — ўзи бир олам: ҳар бирига феълига қараб муомала қилиш керак.

Бировларни муҳокама қилгандан кўра ўзининг ишингни қилганинг яхши эмасми?

Одам боласи ҳамма нарсага мослашади.

Хоҳлаб қилинган иш билан зўрлаб қилинган ишнинг ўртасида фарқ бор.

Ўз кучинг билан эришганингга етмайди.

Ҳамманинг ҳам кимгадир суянгиси келади.

Ночорни ён беришга мажбур қилдилар.

Тавба қилмагандан тавба.

Аҳмоқ иззатталаб бўлади.

Нодонга ўзининг ёлғони афзал.

Дард тоғни емиради.

Пулинг зое кетса-кетсин, умринг зое кетмасин.

Кимга нима дейишни билиш керак.

Кўпчилик муҳаббат ва манфаат, муҳаббат ва ҳавас, муҳаббат ва нафсни ўзаро фарқламайди.

Нодон ўзининг ҳар бир ишини тўғри деб ўйлайди.

Нодоннинг ҳақиқатида дахл қилган унинг душманига айланар.

Обрў машаққат билан қўлга киритилади ва заҳмат билан ушлаб турилади.

Кимнинг кўзини ҳаёт очади, кимнинг кўзини ўлим.

Қилганингни унутишадиди-ю, қилмаганингни гапиришадиди.

Баъзи норасо кимсаларни бошқаларга ибрат учун яратган.

Вақт ўтгач минг пушаймон жой тутмайди.

Ўйлаб иш қилсанг, ҳамма ишлар сенинг фойданга бўлади.

Хунук гап тез тарқалади.

Ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш учун ҳам кишига ақл керак.

Ҳамма нарсанинг қадрни йўқолганда билинади.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ  
10 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, кечаси бир оз ёмғир ёғиши кутилмоқда. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси 0 даражага атрофида, кундузи — 10-12 даража илқ бўлади. Ўзгирматнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 10 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.